

Boqiy fikr

Oddiy va ochiq
insoniy muloqot —
mintaqada do'stlik,
hamjihatlik va
barqarorlik muhitini
mustahkamlaydigan
eng ishonchli usuldir.

Shavkat MIRZIYOYEV



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2017-yil 25-noyabr, shanba № 94 (9055)

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРГАН ТАРИХИЙ ТАШРИФ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ининг таширига бинон 22-24 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикаси таширига давлат ташрифи ҳар томонлама самарали бўлди. Учрашувларда йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш, иқтисодӣ, энергетика, молия, сармоя, юкори технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликни янада фаоллаштириш, ўзаро товар айрбашлаш ҳажмини ошириш, гуманитар алоказаларни кенгайтириш, вазирликлар ва идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлашга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида савдо-иқтисодӣ, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий киймати 10 миллиард АҚШ долларидан ортиқ 60 дан зиёд хужжат имзоланди. Шундан 4,5 миллиард доллари тўғридан-тўғри инвестициялардир.

Эришилган келишувлар ва имзолangan ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги стратегик ше-

рилик муносабатларини янада ривожлантириш, мамлакатларимиз ва халқарорликни фаровонлигини юксалтиришга хизмат килади.

Давлатимиз раҳбари 24 ноябрь куни БМТ сабик Баш котиби, Халқаро Олимпия кўмитасининг этика комиссияси раиси Пан Ги Мунни қабул қилди.

Самимий ва очик руҳда ўтган мулоқотда давлатимиз раҳбари Пан Ги Мун БМТ Баш котиби лавозимида фаолият юритган даврда Ўзбекистон билан БМТ ҳамкорлигига самарали лойиҳалар амалга оширилганни ёдга олди.

Пан Ги Мун Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикасига давлат ташрифини юкори баҳолад, икки мамлакат ўртасидаги азалий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳидаги ҳамкорлик алоказалари ривожида янги босқични бошлаб берганини қайд этди.

Ўзбекистоннинг ташабbusлари Марказий Осиёни барқарор ва юқсан иқтисодий ривожланган мин-

тақага айлантиришда муҳим қадам бўлиши таъвидланди.

Пан Ги Мун Шавкат Мирзиёевга Ўзбекистон ва Жанубий Корея муносабатларини мустаҳкамлашга кўшаётган ҳиссаси учун миннатдорлик изҳор қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси Слиkeri Чон Сэ Гюн билан учрашди.

Спикер давлатимиз раҳбарини самимий кутлар экан, Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик ва стратегик муносабатларни янада мустаҳкамлаш кенг кўлмали ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ўрин тутишини таъвидлади.

Жорий йил 26 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган музокараларда парламентлараро ҳамкорликни ривожлантириш, мазкур йўналишдаги алоказаларни янада кенгайтириш борасида муҳим келишувларга эришилган ва ўша учрашувнинг мантикий давоми бўлган бугунги музокаралар ўзаро ишонч ва самимий руҳда ўтди.

Президентимиз Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси фаолияти билан танишиди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Корея Республикаси пойтахти мэриясида ташриф буюрди. Президентимизни Сеул шахри мэри Пак Сун Кутуб олди.

Шавкат Мирзиёев фарҳий меҳмонлар китобига ўзининг тилакларини ёзиб қолдириди.

Учрашуда Ўзбекистон билан Жанубий Кореяни дўстлик риштлари, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкам boglab туриши алоҳида таъвидланди.

Ўзбекистонда Жанубий Кореяни етакчи компаниялари ва банклари иштироқида иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилган ва оширилмоқда. Расмий Сеул мамлакатимизда саноат ва инфратизмани диверсификация ва модернизация қилишга доир устувор дастурларни амалга ошириша анъанавий етакчи инвестицион ва технологик шерик ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда.)

Yuksak ma'nnaviyat – yengilmas kuch

Буюк аждодларимизга муносиб бўлишга интилиши фарзандлик бурчимиздир. Бунинг учун, энг аввало, уларнинг илмий изланишлари мақсад-муддадолари, кашfiётлari moҳiятini чуқур англаб етмоқ, мазкур оламшуму тадқиқотларини замонавий талаблар нуқтаи назаридан ривожлантириш, янги-янги изланишларни олиб бориши ва боболаримиз даҳосини бутун дунё бўйлаб тарғиб этиши долзарб аҳамият касб этимоқда.

Зўгу мақсадлар йўлида

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 23 майдаги «Ином Бухорий ҳалқаро марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хамда Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 27 мартағи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ином Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақидаги қарори улуг аждодларимиз меросини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу ҳужжатларда фоят масъулиятли ва-

зифалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш соҳа мутахассисларидан катта билим, таҳжиба, фидокорона мөхнатини талаб қилади.

Юртимиздан этишиб чиқкан буюк алломалар инсониятга фундаментал илмий кашfiётлari тақдим этган. Жумладан, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ўнлик саноат системасини, алгебра фанини яратди. Аҳмад Фарғоний – сферик астрономиянинг асосчиси. Абу Наср Форобий юнон фалсафасининг Европага тарқалишига, мантиқ илмининг оламга ёйилишига сабаби бўлган.

(Давоми 3-бетда.)

Санъатсевар ёшларга муносиб сорға



Навоий вилояти Қизилтепа туманида 13-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ёш авлодни жисмонан соглом, маънан етуб инсонлар этиб тарбиялаш, истеъододи ёшларни кашф этиш ва рабbatлantiriшiga алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, болалар мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилаётгани ёш истеъододларни аниглаш ва тарбиялашда муҳим омил бўлаётир. Айни пайтга қадар вилоятда 12 ана шундай маскан фаoliyati юритмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

Мудир ўтган дарс

5-бет

КУЧ - БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

2017/2018 ўкув ийли учун
Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Давлат стипендиялари танлови голиблари

8-9-бетлар

Буюк болқор девори

11-бет

Ззгу мақсадлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Аллома мусиқа оҳангларини қоғозга ёзиш ва иктиомий жараёнларни социологик таҳлил қилиш усуулари ни ҳам қашф этган. Абу Райхон Беруний инсоннитият ўнлаб янги фанларни инъом қилди. Замонавий тиббиёт пойдеворини яратган Абу Али ибн Сино тадқиқотлари, киёсий тиљшунуслик асосчиси Махмуд Кошгари асарлари, Юсуф Ҳосҳоҳид ва Аҳмад Юғнакийнинг насиҳатномалари бебаҳо бойлигимиздир. Мирзо Улуғбек академиясида изланишлар олиб борган олимлар — Козизода Румий, Фиёсиддин Жамшид Коший, Али Кушчи, Чагминий ва бошқа алломаларимизнинг математика, тригонометрия, геодезия, сферик астрономия каби илмлар соҳасидаги юзлаб қашфийлари, жумладан, улар томонидан ўник касрларнинг яратилиши ҳозирги замон фанларида кенг қўлланимкоқда.

Уларнинг илмий мероси қўлзёма ва тошбосма китоблар тарзида дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги нуғузли кутубхоналарда сакланмоқда. Масалан, Фиёсиддин Жамшид Кошийнинг форс тилидаги «ЗикиХоқоний дар такомили зики Элхоний» астрономик жадвали, осмон ёритқичларининг географик кенглиги ва узунлигини аниқлаш учун қашф этилган астрономик асбоб ҳақидаги «Боглар сайри» номли асари ва «Осмон нарвони» асари, Али Кушчининг «Астрономияга оид рисола»синген энг қадимиги нусхаси, шунингдек, астрономияга оид араб тилида ёзилган «Фатхия» номли асари ва бу асарга Мирам Чалабий томонидан ёзилган шарх, «Қибла азимутини тадқиқ қилиш»га оид асари жаҳоннинг нуғузли кутубхоналарда сакланмоқда.

Алломаларимиз наинки дунёвий фанлар, балки эътиқод ва диний илмлар бўйича ҳам минг йиллар мобайнида дунё мусулмонларига устозли қылганлар. Бу ҳақда буюк исломшунуслар «Ислом дини Арабистонда шаклланган бўлса, Моварооннахрда камолга етган» деган фикрни билдирадилар. Дарҳақиат, ҳадис илмида пешқадам бўлган алломалар Махкул Насафий, Имом Бухорий, Имом Дорими, Имом Термизий, Имом Насойи, қалом илмида Имом Мотурийд, Абу Лайс Самарқандий, араб тили грамматикаси қоидларини яратган ва «Аллоҳнинг қўшниси» («Жорулоҳ») деган юксак эътироға сазовор бўлган Махмуд Замахшарий, факиҳлар етакчиси Бурхониддин Марғонний, тасаввубда эса Сайд Бурхониддин Килич, Аҳмад Яссавий, Абдухалиқ Фиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳрор, Махдуми Аъзам каби етуб уламолар ислом дини тараққиётидаги, ба диндаги бағрикенглик, инсонпарварлик, илмпарварлик фояларини ривожлантиришга катта хисса қўшган.

Бугунги кунда исломшунуслик жаҳоннинг кўпгина мамлакатларida изчил ривожланмоқда. Бу йўналишда фаолият олиб борувчи иирек илмий-тадқиқот марказлари ташкил этилмоқда. Илмий рисолалар, даврий журнallар нашр этилмоқда, ҳақларо симпозиумлар ўтказилмоқда.

Дунё маърифий исломнинг бунёдкорлии моҳиятини англаб етмоқда. Исломда етакчи шиорлардан бири бўлган «Илм ибодатдан афзандир» тамойили исломнинг асл моҳиятини, унинг ер юзида маънавий етуклини, маърифатни, адолатни, бағри-

рикенглини, бошқа дингларга нисбатан бағрикенглини, сабр-тоқатликни, шуқроналикни тарғиб этувчи, инсонларни меҳр-мурувватга, саҳоватга, эзгуликка, инсоф дин эканлигини кўрсатади. Исломдаги бу қадирият ўрганиш ва бошқаларга ўргатиш одамларни ўзаро меҳр-оқибатли, инсофла савохатли бўлишига чорлайди.

Самарқандда Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказининг ташкил этилиши исломшунусликни оид тадқиқотларнинг юртимизда янада ривож топишга турти беради, албатта. Ушбу марказда ҳалқаро алқаларнинг йўлга кўйилиши исломшунунос олимларимизнинг жаҳондаги шу каби марказлар тадқиқотчи ва олимлари билан ўзаро ҳамкорлигининг ривожланishiга кенг йўл очишига шубҳа йўқ. Зеро, исломнинг ривожида олимларнинг ҳамкорлиги муҳим ўрин тулади.

Сир эмаски, бугунги геосиёсий жараёнлар фаоллашган, жаҳон миқёсида мағнафатлар тўқнашуви кескинлашган даврда айрим носоғлом кучлар ислом динидан ўзининг тор геополитик мақсадларни қондириш йўлида фойдаланишига уринмоқда. Бу борада улар кўпчиликнинг ислом дини ва унинг асл мөҳиятидан кам ҳабардорлигидан фойдаланиши, бундай кишиларга исломни тажовузкор, шафқатсиз ва агрессив куч сифатида кўрсатишга уринмоқда. Ўз ёвуз мақсадини амалга ошириш учун ислом дини ҳақидаги билими саёз, соддадил, ишонувчан ёшлардан ҳам усталик билан фойдаланишимкоқда. Бундай адашган ёшларга «эътиқоднинг соғлиғи», «адолатни тиқлаш», «коғирлар ва муртадларни жазолаш» фоялари остида жангарилик, соҳта жиҳодчилик ва шаҳидлик тарғиб этилмоқда. Оқибатда бегуноҳ одамлар қони тўқилмоқда, шаҳарлар вайрон бўлмоқда, бешафқат ва тажовузкор мақсадлар йўлидаги оқимлар пайдо бўймоқда.

Шундай тажовузкор оқимларнинг ҳалқатли йўли асл ислом динининг табиитига хос эмаслигини Имом Мотурийд бобомиз асослаб берган бўлса, ундан кейин алломанинг шогирдлари Абуль Муъин Насафий жамоатчиликка изоҳлаб берган. Яна бир аллома Абулмуттиқ Маҳкул Насафий эса ўзининг «Китобу-р-радд ала аҳли-л-бидъти ва-л-аҳво» («Бидъат аҳли ва уларга эргашувчиларга раддия китоби») асарида адашган оқимларнинг ҳатоларини кучли мантиқий далиллар билан исботлаган. Ҳуллас, бобокалонларимиз жангари оқимларнинг йўли исломга зид йўл эканлигидан ҳалқни ўз вақтида огохлантирган. Бундай асарлар бугунги кунда бузғунчи ақида эгаларининг гоёсига зарба берувчи асосли кўлланмалар бўлиб хизмат килиади. Марказ олимлар юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, алломаримизнинг ана шундай йўлланма кўринишидаги асарларини ўзбек тилига тархима килишини ҳам мақсад қилиб олгандар.

Бу йўлда ҳорижлик олимлар билан ҳамкорлик яхши натижалар бериши мумкин.

Эндилиқда бунёд этилаётган Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказида ҳорижлик олимлар билан бевосита ва бивосита мулокот олиб боришига кенг имкониятлар яратилиади. Ушбу марказда ташкил этилаётган ҳалқаро анжуман-

Йўлида

ларда ҳорижлик олимлар мъарузалар қилиши билан биргага, юртимиз олимлари ҳам чет элдаги илмий анжуманларда қатнашиб, ҳамкаслари билан ўзаро фикр алмашади.

Бундан ташқари, марказда ҳорижлик илмий тадқиқотчилар учун тажриба ортириш, тадқиқот олиб бориши учун барча имкониятлар яратилиади. Улар куалай иш ва яшаш шароитлари билан таъминланади. Юқори тезликтаги интернет тармоғи узлуксиз ишлаб туради. Марказнинг интернет сайтида 3-4 тиљда аҳборот янгиланиб борилади. Юқори сиғимли серверида барча аҳборотлар тизимли тарзда архивланиши туради ва уларнинг сакланыш кафолати таъминланган бўлади. Марказ олимлари дунёдаги бошқа исломшунуслик марказлари билан онлайн ва оффлайн усулларида боғланиб, интернет-конференцияларда қатнашиши мумкин. Олимларнинг нутқлари синхрон тарзда бир тилдан бошқасига таржима қилиб борилади.

Марказ ҳалқимизнинг кўлида ўрганилмасдан ётган қўлзёма ва тошбосма асарларни сотиб олиб, қўлзёмаган кутубхонасини бойитишига ҳам эътибор каратади. Бу борада Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Milliy кутубхонаси билан ҳамкорликда аҳоли кўлдаги ноёб китобларни йиғиб, уларнинг электрон нусхаларини тайёрлаш, таъмирлаб китобларни таъмирлаш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланган. Ушбу хужжатга асоссан кўлзёма эгасининг китобидан нусха олингач, бу китоб эгасининг хоҳишига кўра, унга қайтариб берилиши ёки китоб таъмирланиши ёхуд марказдаги маҳсус куалай иқлими шкафларда сакланishi кафолатланади.

Ҳозирги пайтда қарийб ҳар бир хонадонда, балзан эса олий ўкув юртларининг кўлзёмаган кутубхоналаридан боболардан мөрс манбалар, қўлзёмаган ва тошбосма асарлар, хужжатлар, вақфномалар, васиятномалар, насабномалар мавжудлиги эҳтимили катта. Бу хужжат ва китобларни кишилардан, уларнинг хоҳишига биноан, сотиб олиш ёки электрон нусхаларини кўчириб олиш долзарбидир. Бундандар бир фуқаро манфаатдор бўйича лозим. Сабаби бу хужжатларда ҳалқимизнинг қадимий тарихи, аждодларимизнинг ноёб маънавий мөрсоди, нодир сирларни ўзида мухассамлаштирган китоблари, тузалмас дардларга даво берувчи аҳборотларга эга кўлланмалар, буюк боболаримизнинг дастхатлари сакланётган бўлиши мумкин. Уларни ўрганиши тарихий хотирани тиқлаш билан баробар эканини ҳар бир фуқаро англасса, айни мудда. Марказ ходимлари бу йўналишда йирик ишларни амалга ошириши режалаштироқда.

Ҳадисшунуслик бўйича ҳам илмий тадқиқотлар олиб бориши режалаштирилган. Малумки, бу борада Марказий Осиёда катта тажриба тўпланган. Юзлаб, минглаб ҳадисшунуслар ҳадисларни ўрганиш, уларнинг санадини ва саҳиҳлигини аниқлаш бўйича ўзига хос мактаб яратилган. Бу тажриба кейинги иккى юз илм давомиди бой берилади. Негаки, мустабид тузум даврида ҳадисшунуслик тажрибалиари бўйилда ўрта Ер денгизи соҳиларида, Яқин Шарқ ва Африқада, Тинч океани миңтақасидаги мамлакатларда

ҳадисшунуслик анъаналари ривожланиши давом этди. Марказ тадқиқотчилари зиммасида ҳадисшунусликка оид тажриба ва аньаналарни тиклашдек масъулиятли вазифа турибди. Уни адо этиш учун олимларнинг ҳалқаро ҳамкорлигини кучайтириш мухим саналади.

Марказда ҳадисшунуслик билан бир катorda куръоншунуслик, тағсиршунуслик, тасаввfu шунулишида ҳам тадқиқотчилар олиб борилади. Бу тадқиқотчилардан араб тили қоидларидан яхши ҳабардор бўлишина талаб қиласи, шу сабабли илмий ходимларга араб тили қоидлари бўйича дарслар ташкил этилади. Тадқиқотчилар исломшунуслик соҳасидаги изланишларни муваффакиятламага ошириши учун уларнинг юртимиз тарихи, манбашунуслик, мантқиқ ва фалсафадан фанларни ҳам чукурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Олимларимиз учун илмий-тадқиқот методологияси бўйича кўшичма машгулотлар ташкил этиши тадқиқотларнинг сифатини янада оширишига хизмат қилиши шубҳасиз. Марказ олимлари тўплаган тажрибалар асосида илмий маколалар, монография ва илмий ишлар тўпламлари нашр этилади. Тадқиқот натижаларини ўзбек, рус, инглиз ва араб тилларида эълон килиб борадиган академик илмий журнал ҳам нашр этилади. Бу маколалар ҳозирча «Имом Бухорий сабоқлари» журналида чоп этилади. Мазкур журналнинг тиражини ошириши ва ҳажмини кўпайтириш ниятизимиз бор. Журнал таҳририяти таркибида ўзбекистонлик олимлар билан бир катorda ҳорижлик мамлакатларининг таникли олимлари ҳам бор. Яқин орада журналга ҳалқаро даражадаги импакт фактор макомини олиши интилмоқдасиз.

Самарқанд вилоятининг Хўжа Исмоил қишлоғида Имом Бухорий ёдгорлик мажмусининг чап канонтида олти гектарлик майдонда бунёд этилаётган улугвор иншоотда исломшунуслик йўналишидаги илмий тадқиқотларни муваффакиятли олиб боришига мўлжалланган барча шароит яратилиади. Марказнинг ўз қўлзёмаган кутубхонаси, китобларни таъмирлашга мўлжалланган лабораториялар, конференция заллари, музей, ҳалқаро шартномалар имзолаш хоналари, меҳмонларни кутиш заллари, тадқиқотчилар учун кабинетлар, ҳадисшунуслар, тағсиршунуслар, қаломшунуслар, Фикрхунослар учун маҳсус хоналар, Қуръон тилювати машгулотлари учун жиҳозланган кабинетлар, нашриётчилар хонаси, наомозхона, ҳалқаро ҳамкорлик хоналари, бошқа ёрдамчи хоналар илғор аҳборот технологиялари билан жиҳозланади.

Бунёд этилаётган бу марказ жонда мұқаддас диннимизнинг обўсусини саклаш, исломнинг маърифатпарварлик, тинчликпарварлик ва инсонликпарварлик мөхиятини кенг жамоатчиликка етказиш, ёшлини она Ватанга садоқат руҳидарни таъришларни, бузғунчи кучларнинг вайронкор фаолиятини маърифий йўл билан жиловлаш, бу йўлда жаҳоннинг тинчликсевар кучларини гозвий бирлаштириш мақсадларига хизмат килишига шубҳа йўқ.

Ш.ЗИЁДОВ,
Имом Бухорий ҳалқаро илмий-тадқиқот маркази директори,
Б.ТЎРАЕВ,
марказ директорининг ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор.
Ўза

Халқ таълими вазирлиги томони-дан Коракалпогистон Республикаси Ҳошкент шаҳри ҳамда вилоятлар халқ таълими бошқармалари мутасаддилари, вазирлик тасарруфидаги таълим муассасалари ҳамда ташкилотлар раҳбарлари иштирокидаги навбатдаги видеоселектор мажлиси ўтказилди. Ҳудудий студияларда Коракалпогистон Республикаси Ҳалқ таълими вазир ўринбосари, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошиларни ўринбосарлари, методика маркази раҳбарлари, таълим сифати мониторинги бўйими ходимлари, туман(шаҳар) халқ таълими бўйими ходимлари мудир ўринбосарлари, таълим сифати мониторинги бўйими ходимлари, фан методистлари, "Махорат мактаблари" тренерлари иштирок этди.



Videoselektor

Таълим сифати

мухаббасислар томонидан таҳлил қилинди

Иғилишида умумтаълим мактабларида чет тилини ўзлаштириш даражасини давлат таълим стандартлари белгиланган талаблар асосида баҳолаб бориш механизмини таҳриба-синаидан ўтказиши, ўкув йилининг биринчи йилини якунлари бўйича таълим сифати мониторингини ташкил этиши, методистлар фанолиги самардорлигини ошириш ҳамда "Махорат мактаблари" фаолиятини таомиллаштириш масалалари муҳкамма қилинди.

Вазирлик бошқарма бошлиғи Б.Ходжаев таълим сифати мониторингини ўтказишининг меъброй-хукукий асослари ҳамда ўтказиш босқичлари, Республика таълим маркази директори М.Эсанов халқ таълими тизимида методик хизмат кўрсатишнинг муамма ва вазифалари бўйича тақдимот килди. Шунингдек, "Махорат мактабла-

ри"да олиб борилаётган ишлар хусусида хисобот берилди.

Йилларда ДТС талабарларинг бажарилishi, мавжуд муаммолар селектор иғилишига таклиф этилган раҳбарлар ва мутасадди ходимлар томонидан таҳлил қилиниб, келгусида амалга ошириладиган вазифал белгилаб олини.

Видеоселекторда экспериментатор-ўқитувчиларга таҳриба-синаидаги ишларини сифатли олиб боришида методик ёрдам кўрсатиш, ўкувчиларни адолатли ва асосли баҳолашга aloқалari кўмитаси, "Ўзбекистон – Эрон" дўystlik жамияти ҳамкорлигига "Ўтишибес келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўймайди" мавзусида тадбир ўтказилди.

Мазкур олий таълим муассасасида талабарларнинг ихтимойи-сиёсий билимларини янада ошириш борасида

катор давра сухбатлари, учрашувлар, беллашув ва викториналар мунтазам

Гулоз ОРИФЖОНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Бугун ўқитувчилар дарс ўтишининг самарали усулаидан кенг фойдаланишига алоҳида ёътибор қартишимоқда. Бонси, машгулут жараённи интэрфаол усуларни қўллаш самарали натижага эришиши омилидир.

Самарали натижа сари

Учтепа туманинда 62-мактабда ўтказилган "Методист ўқитувчилар мактаби"нинг навбатдаги семинарида тумандаги таълим муассасаларининг она тили ва адабиёт ҳамда ўзбек тили ўқитувчилари дарсларда интэрфаол усуларни қўллаш бўйича тўплаган тажрибаларини ўтколаштилар.

"Методист ўқитувчилар мактаби" устози, халқ таълими аълочиси Наризга Ризибоеva таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тилини ўқитишида компетенцияйи ёндашувга асосланган дарсларни ташкил этиши, ўкувчилар калбига давлат тилига хурмат руҳини сингдириш йўллари хусусида

майзура қилди. Шунингдек, семинарда она тили ва адабиёт ўқитувчилари Нилюфар Имомова, Гулмира Мирзаева, Дилсора Нарзиева замонавий педагогик технологиялар асосида очик дарс ўтиб бердилар.

МУХБИРИМИЗ

майзура қилди. Шунингдек, семинарда она тили ва адабиёт ўқитувчилари Нилюфар Имомова, Гулмира Мирзаева, Дилсора Нарзиева замонавий педагогик технологиялар асосида очик дарс ўтиб бердилар.

— Ёш авлодни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда спорт канчалик муҳим ўрин тутса, уларнинг маънан ва руҳан камол топишида санъат шунчалик бекиёс аҳамиятга

эга, — дейди институт ректori, профессор Фаурхон Мухаммедов. — Шу босис ёшларимизни миллий санъатимиз тарихидан боҳабар этган холда, бу сеҳрли кучга ошино қилиб ўстиришга барчамиз бирдек масъулмиз.

Тадбирда институт талабалари томонидан мумтоз кўйишилар хамда рақслардан намуналар ижро этилди.

Тармиза ХУРВАЛИЕВА,
Тошкент вилояти Чирчик
давлат педагогика институти
«Педагогика ва психология»
кафедраси мудири

— Ёш авлодни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда спорт канчалик муҳим ўрин тутса, уларнинг маънан ва руҳан камол топишида санъат шунчалик бекиёс аҳамиятга

Товар белгилари ҳуқуқий муҳофазада

Пойтахтимиздаги "WYNDHAM Tashkent" меҳмонхонасида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан "Кичик ва ўтга бизнесни ривожлантиришда товар ва хизмат кўрсатиш белгиларини ҳуқуқий муҳофазага олишининг аҳамияти" мавзусида матбуот айнумани ўтказилди. Тадбирда ишбильарномалар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларни ҳимоя қилиш, жумладан, товар ва хизмат кўрсатиш белгиларини муҳофаза этиши каби масалалар хусусида сўз юритилди.

— Товар белгиси истеъmolчига харид ҳақида берувчи юртасидар, — дейди Интеллектуал мулк агентлиги баш дирекtorи Алишер Файзуллаев.

— Товар ва хизмат кўрсатиш белгиларини ҳуқуқий

муҳофаза қилиш учун, аввало, уни рўйхатдан ўтказиш керак. Сўнгти 5 йил давомида агентликка товар белгилари бўйича 13359 талабнома келиб тушган. Бу борадаги кўрсаткичлар ошаётган бўлса-да, тадбиркорлик субъектларининг барчasi интеллектуал мулкни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг аҳамиятига етарлича этибор каратаёттани йўк. Тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимни ошириш мақсадида катор ўкув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Санобар ЖУМАНОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Илгор тажрибалар оммалаштирилди

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Олий Мажлис Сенати, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўystlik aloқалari кўмитаси, "Ўзбекистон – Эрон" дўystlik жамияти ҳамкорлигига "Ўтишибес келажак, ҳамкорликсиз тараққиёт бўймайди" мавзусида тадбир ўтказилди.

Унда тумандаги барча мактабларнинг музика маданияти фани ўқитувчиларининг касбий маҳоратини узлусиз ошириш бўйича семинар-тренинг ўтказилди.

Тумандаги 212-мактабда хам "Инглиз тили ўқитувчилари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

— Семинарда ўқитувчилар ўзаро тажриба алмасиши имконига эга бўлди, — дейди мактабнинг методист-ўқитувчиси Гулнозар Оролованинг "Музика маданияти фанида овоз созлаш машҳарлари" мавзусидаги таддимикин қизиган баҳс-муносабатларни сабаб бўлди. Шунингдек, ўқитувчилар "Ноањанавий методлар бўйича тавсиялар", "Қозоқ халқ мумтоз мусиқаси", "Хор тўтарагининг иш жараёни" каби мавзуларда фикрлашишди.

Тумандаги 212-мактабда хам "Инглиз тили ўқитувчилари учун семинар-тренинг бўлиб ўтди.

— Семинарда ўқитувчилар ўзаро тажриба алмасиши имконига эга бўлди, — дейди мактабнинг методист-ўқитувчиси Гулнозар Оролованинг "Музика маданияти фанида овоз созлаш машҳарлари" мавзусидаги таддимикин қизиган баҳс-муносабатларни сабаб бўлди. Шунингдек, ўқитувчилар "Ноањанавий методлар бўйича тавсиялар", "Қозоқ халқ мумтоз мусиқаси", "Хор тўтарагининг иш жараёни" каби мавзуларда фикрлашишди.

З.МАДАТОВА

Тошкент шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказида ўқувчи-шларнинг илм-фан ва техникага қизиқшини ошириш, робототехника бўйича гон ва ижодий шлангалмаларини намошиши этиши учун имконият яратни, иқтидорини аниқлаш ва қўллаб-куватлаш мақсадида ташкил этиб келинаётган "Орзумдаги робот" Республика сиртиқи танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Орзумдаги робот

Танловда пойтахтимиздаги 7 туман "Баркамол авлод" болалар марказларидаги тўғраклар аъзолари иштирок этиди. Унда З йўналиши – болалар учун мўлжалланган, кишлоқ хўжалиги учун ва саноат роботлари яратиш бўйича ижодий ишлар тақдим этилди.

— Танловда топширилган ишларни кузатар эканмиз, болаларда робототехникага қизиқиш кучли эканига амин бўлдик. Сориндорлар сафидан ўрин эгаллаган ўқувчиларнинг яратган шлангалмалари камарсарфлиги билан этиборимизни тортиди, — дейди ҳакамлар хайрати аъзоси, Чилонзор тумани "Ватанпарвар" ташкилоти спорт йўналиши бўйича мураббий Азим Домлажонов.

Голиб ўқувчилар Республика босқичига йўлланмани кўлга киритди ҳамда шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказининг диплом ва эсадлик совалари билан тақдирланди.

Асолат АҲМАДКУЛОВА,
"Ma'rifat" мухбири

Санъат – маънавият кўзгуси

Санъатга ошно инсоннинг калбу шури бир ноёб шульга билан сайдланган бўлади. Бу баҳрамандлик унинг эстетик диди шаклланишида, маънан юксалишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Чирчик давлат педагогика институтида ташкил этилган «Санъат – маънавият кўзгуси» мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирдан кўзланган мақсад ҳам ёшларда санъатга бўлган қизиқиш ва этиборни оширишга қаратилди.

Унда институт профессор-ўқитувчилари, санъатшунон олимлар ва талабалар иштирок этиди.



— Ёш авлодни жисмоний баркамол қилиб тарбиялашда спорт канчалик муҳим ўрин тутса, уларнинг маънан ва руҳан камол топишида санъат шунчалик бекиёс аҳамиятга

эга, — дейди институт ректori, профессор Фаурхон Мухаммедов. — Шу босис ёшларимизни миллий санъатимиз тарихидан боҳабар этган холда, бу сеҳрли кучга ошино қилиб ўстиришга барчамиз бирдек масъулмиз.

Тадбирда институт талабалари томонидан мумтоз кўйишилар хамда рақслардан намуналар ижро этилди.

Тармиза ХУРВАЛИЕВА,
Тошкент вилояти Чирчик
давлат педагогика институти
«Педагогика ва психология»
кафедраси мудири

2017-yil 25-noyabr, № 94 (9055)

Мудир ўтган дарс

ўқувчилар ёдида қолди

Кўнгироқ чалиниб, синфга нотаниш ўқитувчи, мактаб директори, унинг ўкув ишлари бўйича ўрингосари ҳамда ёш педагоглар кириб келди. Ўқувчилар бир-бира газимдан қараб олди. «Мактабимизга янги ўқитувчи келибди», деган фикр ўтди уларнинг хаёлидан. Нотаниш домла ўғил-қизлар билан саломлашгач, ўзини танишитирди. Ёзув тахтасига кун санаси ва янги мавзуни ёзди. Ҳамроҳлари орка партага ўтириб, дарсни кузата бошлади...

Муборак тумани халқ таълими бўйими мудири Олим Хайруллаев тумандаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчилари иктиносидой билим асослари фанидан «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонасининг мамлакатимиз иктиносидётида тутган ўрни» мавзусида бир соатлик очик дарс ўтди. Мудир ноанъанавий дарсда ўқувчиларга мазкур соҳанинг мамлакатимиз иктиносидётида тутган ўрни ҳақида батафсил маълумот берди.

— Хурматли ўқувчилар, Президентимизнинг 2017 йил 8 авгуастадаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иктиносидой ривожланшини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида» ги қарори республикамизда аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқароларни қўйнаётган муаммоларга ечим топиш борасида ўзига хос механизмни яратди, — дега дарсни бошлади мудир. — Шу мақсадда туманимизда ҳам тўртта сектор ташкил этилиб, туман Ѿхими, туман прокурори, ички ишлар бўйими ва солиқ идораси бошликлари масъуст ётиб биринкирildi. Улар худудларда ҳамхижатлик билан иш олиб бориб, аҳолига республикамиздаги ижтимоий-иктиносидой ислоҳотлар мазманини тушунириб, муаммоларга ечим топишмод. Бу саъи-харакатлар янада самарали бўлиши учун барчамиз муносиб хисса қўшишимиз лозим. Айниқса, мамлакатимизнинг бундан-да гуллаб-яшнашида сиз ёшларнинг ўрнингиз катта. Шу мақсадда бугун туманимиз иктиносидётиning жон томири бўлмиш «Муборакнефтгаз» УШКнинг мамлакатимиз

иктиносидётида тутган ўрни» мавзусида бир соатлик очик дарс олиб бораман.

Маълумки, ўтган асрнинг 50-йилларигача ўзбекистоннинг гарбий-жанубий худудларда нефть-газ конларини кидириш бўйича олиб борилган ишлар натижасида катор газ конлари очилгач, 1959 йилда улардан Фойдаланиш учун «Бухоронефтгаз» бошқармаси ташкил этилди. 1960 йилнинг декабрь ойида Бухоро гази пойтахт Ташкентгача борди. 1966 йили Қарши шахрида «Қашқадарё-газ» газ конлари бошқармаси тузилиди. Ўзбекистон Республикасида 1958 йили 126,4 миллион кубометргаз қазиб олинган бўлса, 1965 йилда бу кўрсатгич 18 миллиард кубометрга ётди. Муборак газни қайта ишлаш заводи ўтган асрнинг етмишини йиллари иккинчи яримда ташкил этилди.

1996 йили Ўзбекистон амалда нефть-газ мустақиллигига эришди. Бу, аввало, мустақиллигимиз туфайли кўлга киритилган имкониятларимиз, қолаверса, мамлакатимиз олимлари, нефть-газ конлари кидириучилиари ва кончиларимизнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Мамлакат ёқилги-энергетики ресурслари мустақиллигини таъминлашда ва уни мустаҳкамлашда тармоқнинг таяни меҳнат жамоаларидан бири бўлган «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси ичиши-хизматчиларининг улкан хиссаси бор. Истиқолол йилларидаги «Кўкдумалок» нефть, газ ва газ конденсати конни ўзлаштириш борасида бир неча ўн йилларга аргизгулик ишлар амалга оширилди. Кўкдумалокда ўнлаб нефть ва газ кукулари бургунди, нефть ва газни комплекс тайёрлаш курилмалари, насос стансиялари бунёд этилди. Барча куляйликларга эга ишчилар шаҳараси барпо этилди. АКШнинг «Келлог» компанияси билан ҳамкорликда курилган «Кўкдумалок» компрессор

станцияси ўзининг технологик мумкаммиллиги билан дунёда саноқли, МДХ мамлакатлари доирасида ягона иншоот саналади.

Шунингдек, корхонага қарашли «Алан» кони ҳам истиқолол йилларида ўзлаштирилди. Бу ерда ўнлаб скважиналар пармаланди, газни комплекс тайёрлаш курилмаси ва бошқа кўллаб иншоотлар курилди.

Корхона меҳнат ахлининг мамлакат ёқилги-энергетики ресурслари мустақиллигини таъминлаш ва уни мустаҳкамлаш борасидаги фидокорона хизматлари муносиб эътироф этилмоқда. Жамоанинг кўллаб заматкаш ишчи-хизматчилари давлатимизнинг юқсан мукофотларига сазовор бўлди. Чунончи, тажрибали нефть-газ оператори Бурхон Рўзиев «Ўзбекистон Қархономи» унвони билан тақдирланди.

Хозирги кунда республикамизда қазиб олинаётган газнинг 60 физиди, нефть маҳсулотларининг 70–75 физидан ортиги «Муборакнефтгаз» унитар шўъба корхонаси ҳиссасига тўғри келади. Мамлакатимиз иктиносидётини янада юксалтириш ҳамда нефть ва газ ишлаб чиқариш максадида кўллаб ёшлар корхонада фидокорона меҳнат кильмоқда.

1998 йилнинг охирида «Қарши-нефть» нефть конлари бошқармаси туғатилиб, «Муборакгаз» — «Муборакнефтгаз» деб юритиладиган бўлди. «Муборакнефтгаз» УШК штаб квартираси Мальтада жойлашган ҳалқаро — «AQUARIUS EARTHMAKER» дастури бўйича «Тармом лидери» номинациясида ғолиб деб топилди. 2006 йил 26 авгуастада корхона маҳсулотларига ISO 901:2000 ҳалқаро стандартга мувофиқли сертификати топшириди.

«Муборакнефтгаз» УШКнинг ўтимиси, бугунки истиқболига бағишиланган бир соатлик дарс қизиқарли, баҳс-мунозарага бой бўлди. Дарс якунида мавзуга оид савол-жавоб ўтказилди. Ўқувчиларнинг билим ва кўнинкаси баҳоланиб, юкори натижага кўйд этганлар туман халқ таълими бўйими мудирининг китоблар жамланмасидан иборат билан тақдирланди.

Дарсни «Ma'rifat» мухабiri ўқтам МЕЙЛИЕВ кузатди.

Мактаб таълими – фарзандларимиз келажаги сари қўйилган зўгу қадам

Миробод туманиндағи 110-иктинослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Нозима Исмоилова эрта тонгдан келиб ўтиладиган мавзуларга бирмабир кўз юргутириб олди. Баҳолангандаги дафтарлар, синф журнали ва дарслек конспекти тайёр. Аммо унинг хаёли ўқувчиси Руҳшона Йўлдошевада. У бугун мактабда бўлиб ўтидиган «Энг фаол китобхон ўқувчи» танловида қатнашади.

Хар дарсда ўқувчиларини китоб ўқишга ундан, мутолаға жалб этайдиган ўқитувчи учун Руҳшонанинг танловда қатнашиши чиндан хаяжонли воеқади. Шу сабаб Нозима Исмоилова адабиёт дарсни бошлар экан, ўқувчига иҷ-иҷидан омад тилади...

— Ўқувчиларнинг маънавий комилликка эришишида адабиёт фани алоҳида ўрин эгалайди, — дейди у. — Чунки адабиётта кизиқсан боланинг қалби зэзгуликка тўлиб улгади. Йиғирма йилдан ортиқ тажриба-

Ҳар ким билish олиш хуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 41-мода.



га эга педагог ва мактабда методибрашманинг раиси сифатида айтишим мумкинки, ҳар бир ўқитувчи аввал ўқувчиларнинг психологиясини яхши билиши, кези келса, улар билан бирма-бир субхатлашиши зарур. Бундай субхат устоз учун машғулотларни кизиқарли ташкил этишида фойда беради. Бунга қўйимча улар фан тўғракларига жалб этилса, нур устига нур.

Шундай талаб ва эҳтиёждан келиб чиқиб, мазкур ўкув даргоҳида таълим-тарбия сифати-ни ошириш, маддий-техник базани мустаҳкамлаш ва мала-кали педагоглар билан таъминлашга доимий ётибор каратилмоқда. Мактаб биносида яратилган шарт-шароитлар, юзга яқин синф, иккита спорт зал, 400 ўрнили ошхона ва ик-

лаётган турли маънавий маърифий тадбирлар, танловлар ўқувчиларнинг ҳар томонлами етук, билдишонд ва зуқко бўлишида ҳамда улар қалбидаги замонида мөхр-муҳабbat ўйиготиши, ватанпаварлик гояларини сингдиришида муҳим аҳамият касб этайдир.

— Мактабда ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажхамасининг 2017 йил 15 мартағида «Умумий ўтура таълим тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги ва 2017 йил 6 апрелдаги «Умумий ўтура ва ўтура маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» ги карорлари ижросига алоҳида аҳамият каратилмоқда, — дейди умумий таълим мактаби директори Умид Рашидов. — Бундай тизимида тадбирлар асосида мактабимиз иктинослаштирилган давлат умумтаълим мактабига аллантирилди. Ихтисослаштирилган синфларда математика, физика, информатика ва

чет тиллари чукур ўқитилмоқда.

Мактабда бугунги кунда уч мингдан ортиқ ўқувчи таҳсил олимоқда. Уларга бир юз ўттиз олий маълумотли ўқитувчи таълим-тарбия беради. Улар орасида ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ҳалқ таълими ходими Б.Қочетов, «Мехнат шуҳрати» ордени соҳибаси В.Белова, филология фанлари номзоди А.Шарафутдинова, С.Суҳовий, М.Холхўжаева, Л.Иванина, М.Бурхонова, Э.Барирова, Ф.Жабборова каби тажрибали ва фидойи ўқитувчи.

... Кўнгироқ чалинди. Адабиёт ўқитувчиси Нозима Исмоилова синфдан чиқар экан, ўқувчисининг курсанд бўлиб, югуриб келаттанини кўрди.

— Устоз, мен «Энг фаол китобхон ўқувчи» номинациясида бўйича тақдирландим.

— Баракалла, Руҳшона! — дейд Нозима Исмоилова ўқувчига босди...

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,

ЎзА мухабiri

Қайиқнинг икки эшкаги

Кўнгироқ чалинди. Муаллима ўқувчиларни майин табассум билан кутуб олди, нигоҳини деразадан узокларга қаратди. Бир дакиқалик жимликдан сўнг унинг ширали ва жарангдор овози янгради:

Орзум шул, ўчмасин
ёнган чирогинг,
Юлдуздай нур сочин
чашигинг-карогинг.
Магар чинор бўлсанг,
чинордай яша,
Бевақт узилласин
бирор япрогинг.

Шеър бир зумда ўқувчиларни сехлаб олди.

Боғот туманинди 3-айрим фанлар чукурлаштириб ўқитувчилик интинослаштирилган давлат умумталим мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчи Сабонар Ражабованин «Ийининг энг яхши фан ўқитувчи — 2017» республика кўрик-танловида 8-синиларга ўтган она тили дарси шундук бошланди. Дарсни Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиётни университети профессори Баҳтиёр Менглиев эксперт сифатида кузатди.

Хотирани чархлаш дакиқасида 5-6 нафар ўқувчи ўзбекистон халқ шоюни Абдулла Ориповинг юкоридаги шеврини инфодали ўқиб берди. Ўғил-кизлар диккати жамлангач, муаллима дослага янги «Олмознин маъно турлари» мавзусини ёзди.

Эксперт хulosаси: ўқувчиларнинг диккатини жамлаш учун кўлланган бу усулни спортдаги «танану қиздириш» машиғига кўйелаш мумкин. Шеър матнida кўлланган олмошларни аниқлаш асосида «Олмознин маъно турлари» тарорлаш мавзуси дарс кисмларни орасидаги узлуксликни таъминлади.

Педагогик вазият: 5 дакиқа майданида олдинган синфларда олмош хакида олинган билимлар текширилди. Ўқувчилар олмош сўз туркумiga оид сўзларни нутқда кўллаб, мисоллар көлтириши. Сўнг монитордорда кўйидаги жадвал намоён бўлди:

1-имконият: «Мос сўзни топ» машиқи	0,5 балл
2-имконият: «Битта ёлғон, учта рост» машиқи	0,5 балл
3-имконият: «Светофор» машиқи	2,5 балл
4-имконият: «Нима эксанг, шуну ўрасан» аудиоэртаги устиди ишлаш	1,5 балл
Жами	5 балл

Жадвал асосида ўқувчиларга ўзини-ўзи баҳолаб бориш вазифаси топширилди.

Эксперт хulosаси: бу интерфаол метод нафакат ўқувчиларнинг бир-бiriни, балки ўзини назорат килишини ҳам таъминлади. Бу усулни усуллар мажмуй сифатида ҳам, бир усулнинг турли кўринишлари сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Ўқитувчи буни киска муддат ичida кўпвори татаха олиш учун кўллагани ўзини оқлади.

Педагогик вазият: «Завқли мутола» дақиқаси эълон қилингач, муаллима «Икки қайик» ҳикоясини ўқий бошлади. Ўқувчиларга «Мос сўзни топ» машиқи берилди, нуқталар ўрнига зарур сўзларни жойлаштириш вазифаси топширилди. Ҳикоя монитордорда намоён бўлди:

Икки қайик

Бир қайиқнинг *** қайifi бор кандай. Қайиғининг икки эшкаги бўлиб, уларнинг бирда «ният», *** эшкакда эса «харакат» деб ёзилган экан. Қайиқа минганд *** одамлар бу ёзувлар сабабини сўраса, кекса *** шундук жавоб берар экан: «Агар мен фақат «ният» деб ёзилган ***ни харакатлантирам, у холда қайик бир жода айланниб қолаверади. Агар фақат «харакат» деб ёзилган эшкакни харакатлантирам ҳам, қайик бир жода айланаверади. Агар ***ини баравар айлантирам, шундагина қайик манзилга етади. Инсон ҳам факат ният кипсао, харакат кимласа, бир жода айланган қайик каби манзилга етмайди. Максадга етиш учун аввал «ният» ва «харакат» бўлиши керак.

• Нуқталар ўрнига кўйидаги сўзлардан мосини кўйинг: кичик, иккичи, қайиқчи, қизикувчан, иккала, эшак.

Ўқувчилар ҳикоя билан танишгач, ўқитувчи уларнинг хulosалари билан кизиқди. Сўнг муаллима ўз фикрини қўйидагичи изоҳлади:

— Болажонлар, ҳабарнинг бор, 2017 йил 7 февралда Президентимиз Шавкат Мирзиёев фармони билан 2017–2021 йилларда ўзбекистон Республикасини ривоҷлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди. «Икки қайик» ҳикоясини ўшбу стратегияга қўйелаш кўрингчи! Рамзий маънода оладиган бўлсан, «Ният» деб аталган эшкакда «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт», «Ҳаракат» деб номланган эшкакда эса «Ҳаракатлар стратегияси» деган ёзувни ўқиймиз.

Эксперт хulosаси: «Икки қайик» ҳикояси маърифий аҳамиятга эга бўлди. У ўқувчиларда катта таассурут қолдириди. Аммо ҳикоянинг икки

эшкак эмас, икки қайик деб номланши ўқувчиларда тиник тасаввур хосил қиломади. Менинча, бош таълимий мавзу билан қайсирид жihatи боғланиши керак эди.

Педагогик вазият: ўйга вазифа «Битта ёлғон, учта рост» машиқи ёрдамида кўриб чиқилиди.

1-катор учун:

- A) Мустакил сўз туркumlari олтида;
- B) Мустакил сўз туркumlарининг барчаси аташ маъносига эга;
- C) Сонлар отлашиди;
- D) Е Сифат предметнинг белгисини билдиради.

2-катор учун:

- A) Феъллар тусланади;
- B) Отлар турланади;
- C) Ҳаракат номи тусланади;
- D) Ҳаракат номи турланади.

Эксперт хulosаси: ўшбу машҳомлошнинг маъно турлари бўйича ташкил этилса, асосий мавзудан узоқлаштилмаса, максадга мувофиқ бўларди. Ҳолбуки, ҳар икки қатор учун берилган топшириқда ҳам олмош ўз аксими топлади. Усул самародар, аммо дарснинг таъмин максадига унчалик мос эмас.

Педагогик вазият: янги мавзун мустаҳкамлаш жарайида «Нима эксанг, шуну ўрасан» аудиоэртаги ўшиттирилди. Ўқувчиларга эртадан мисоллар топиб, дафтарга кайд этиши вазифаси топширилди. Сўнг саволлар берилди. Юртимиздаги тинчлик ва осоишишларнинг қадрига етиш, ватанпарварлик ҳақида фикрлари тингланди. Аудиоэртакда қанча олмош қатнашгани аниқланди. Бештагача олмошни тўғри топган ўқувчи 0,5 балл, беъдан ортиқ топган ўқувчи 1 балл, ўнгадан ортиқ топган ўқувчи 1,5 балл билан баҳоланди.

Педагогик вазият: янги мавзун тушунтирилганда, ўқувчилар билимни мустаҳкамлаш учун «Светофор» машҳом ўтказилди. Ўғил-кизлар кўлига кизил, сарик ва кўк рангли карточкалар берилди. Тўғри жавобга яшил, нотўғрига қизил, иккапланганлар ёки қарор кабул килишда бетараф бўлганлар сарик карточкалар кўтариши сўйлади. Монитордорда кўйидаги тезислар намоён бўлди:

1. Олмош — мустакил сўз туркumi.

Олмошларнинг аниқ аташ маъноси бўлмайди.

Кайси маънода келётгани матнда қайси сўз ёки гап ўрнида алмашниб келишига қараб беългинанди.

2. «Кутаду билиг»даги бош маъсалалардан бирни комил инсонни тарбиялаштири. Юсуф Хос Ҳошиб бу асари оркали ўз тасаввурда энг комил, жамиятнинг ўша даврдаги тарбиялаштирига жавоб берадиган инсонни қандай кўрган бўлса, шу асосда ўз қарашларини баён этади» (Б.Тўхлиев).

Ушбу гапда олмошнинг кўрсатиш, сўрқ, ёзлик, белгилаш турлари иштиреки этган.

3. Кишилик олмошлари ўрнида кўлланилиб, кўпинча шахсни, бальзида предметни кўрсатувчи олмош кўрсатиш олмоши саналади.

4. Сўрқ олмошлари иштиреки этган гаплар сўрқ гап хисобланади. Шундай гаплар сўрқ оҳанин билан талаффуз килинади ва ёзувда гап оҳирига ундов белгиси кўйилади.

5. Тўпдан ажратилган ёки жам-

лаб кўрсатилган шахс, нарса, белги, ҳаракат-холатини ифодалайдиган олмошлар белгилаш олмоши саналади.

Эксперт хulosаси: ўзлланган усул дарснинг таълимий мақсадига мос. Ўқитувчи уни маҳорат билан кўллади. Агар мантикий тафаккурни ривоҷлантиришга йўналтирилиб, «бош қотириш» амалий лаёқат соҳасига кўпроғ дахлорлик каеб этса, она тили таълимнинг ўзини бош мақсадига ўйгун бўларди.

Педагогик вазият: янги мавзун мустаҳкамлаш жарайида «Нима эксанг, шуну ўрасан» аудиоэртаги ўшиттирилди. Ўқувчиларга эртадан мисоллар топиб, дафтарга кайд этиши вазифаси топширилди. Сўнг саволлар берилди. Юртимиздаги тинчлик ва осоишишларнинг қадрига етиш, ватанпарварлик ҳақида фикрлари тингланди. Аудиоэртакда қанча олмош қатнашгани аниқланди. Бештагача олмошни тўғри топган ўқувчи 0,5 балл, беъдан ортиқ топган ўқувчи 1,5 балл билан баҳоланди.

Эксперт хulosаси: Ўқитувчи билимнинг эмас, кўнмила мала-каларни пировард мўлжал сифатида олиши лозим. Матн мазмуни ва олмош бўйича БКМларни кенгайтириши шундай уйғунлаштириш керакки, ўқувчи олмош мавзуси ўтилаётганини унугтган ҳолда олмош хадига малақаларни ўтисринг.

Педагогик вазият: ўйга вазифа сифатида олмош иштирек этган ўеърий парча, ҳалқ мақоллари, бадийи асардан учта мисол топиб, дафтарга ёзиш ва маъно турини аниқлаш топширилди.

Эксперт хulosаси: дарсда ўқитувчи ўқувчиларнинг ода-онага хурмат, замон билан ҳамнағаслик, ватанпарварлик туйғуларни шаклантириб, бадийи китоб мутолаасига қизиқтиришга ўришида. Ривоҷлантиривчи мақсади эса ўғил-кизларни ижодий фикрлашга, ўз-ўзини баҳолашга, мустакил ишлашга ўргатишади. Мустакил ишлашга шаҳарни ўргатишади.

Педагогик вазият: ўйга вазифа сифатида олмош иштирек этган ўеърий парча, ҳалқ мақоллари, бадийи асардан учта мисол топиб, дафтарга ёзиш ва маъно турини аниқлаш топширилди.

Танлов якунидаги Санобар Ражабова 2-ўринни кўлга киритди.

Гулюз ОРИФЖОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири


Конституция – бахтимиз пойдевори

Пойтахтимиздаги 224-мактабда «Конституция – бахтимиз пойдевори» республика кўрик-танловининг Олмазор тумани босқичи бўлиб ўтди.

Конституциямиз мазмун-моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш, уларнинг ҳукукий билими ва маданиятини юксалтириш, конунларга итоат руҳида тарбиялаш мақсадидаги ташкил этилган танловда Олмазор тумани ҳалқ таълими бўлими тасарруғидаги умумталим мактаблари ўқувчилари ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

Кўрик-танлов иншо ва тасвирий санъат йўналишида ўтказилиб, унда ўқувчилар Бош Қомисимиз моддалари бўйича ўқиб-ўрганганларини на мойиш этди. Иштироқчилар биринчи босқичда танловга тайёрлаб келган ижодий ишлари мазмуни ва гоясини қисқача шархлаш, мутахассисларнинг саволларига жавоб бердилар. Сўнг белгиланган вакт ичida ҳакамлар хайати олдида ўз мавзулари бўйича (иншо ёзиш ва расм чизиш) маҳоратларини на мойиш этдилар.

Барча шартларда юкори балл тўплаб голиб бўлган ўқувчилар танловнинг шахар босқичига йўлланмани кўлга киритди.



Б.РИЗОКУЛОВ олган суратлар.



Ayni paytda kichik mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligiga alohida e'tibor qaratilib, kollej o'quvchilarida kasbiy ko'nikmalarni uzlusiz rivojlantirib borish talab etilmoqda. Zero, kasbiy ko'nikmalar bo'l'g'usi mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligini oshirish va har tomonlama rivojlantirishda muhim o'r'in tutadi. Bunga erishish uchun esa maxsus fan o'qituvchilar va muhandis-pedagoglar ishlab chiqarish jarayoni va faoliyat mazmunini to'g'ri rejalashtirishi, pedagogik texnologiyalarni o'rinni qo'llashi, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari hamda zamonaviy texnika vositalaridan samarali foydalanishi lozim. Bu boroda fizika dasturi kasb ta'lmini amalga oshirish uchun keng imkoniyat yaratadi.

KASBGA YO'NALTIRIB O'QITISH

fanlarning hayotimizdagagi ahamiyatini teranroq tushuntirishga xizmat qiladi

Fizik bilimlarsiz texnik qurilmalarining tuzilishini va ishlash jarayonini tushunish mumkin emas. Chunki texnika taraqqiyoti fizika bilan bevosita bog'liq. O'quvchilarini kasb ta'limga tayyorlash va fanga qiziqishini oshirish maqsadida akademik litsey va kollejlarda fizikan umumiyyat tushunchalarini, qonunlari, o'zaro aloqadorligi, ta'siri va bir-birini boyitishini ko'rsatuvchi bilimlar o'z aksini topishi lozim. Uzlusiz ta'limga jarayonda fizika fani uch bosqichda o'rganiladi: muktab, akademik litsey va kasb-hunar kolleji hamda oly ta'limga muassasasi ta'limi. Har bir bosqichning o'z maqsadi va vazifasi mavjud. Fizika umumta'limga fani sifatida o'rgatiladigan akademik litsey va kollejlarda bu fan 2 yil o'qitiladi.

